

“NAVOIY
KON-METALLURGIYA
KOMBINATI”
AKSIYADORLIK JAMIYATI

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“НКМК” АЖ
Жамоатчилик билан алоқалар
бўйича директор

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
«НАВОИЙСКИЙ
ГОРНО-МЕТАЛЛУРГИЧЕСКИЙ
КОМБИНАТ»



Х.Р. Раупов

2024 йил

MAJLIS BAYONI
ПРОТОКОЛ

08.04.2024 й. № 09-01-01/01/1

Navoiy sh. г. Навои

НКМКда очиклик ва шаффофликни таъминлаш
соҳасидаги ишларни жадаллаштириш тўғрисида

“ 08 ” “ 04 ” 2024 йил

“НКМК” АЖ бошқармаси

Раислик қилувчи: Х.Раупов – Жамоатчилик билан алоқалар бўйича директор

Иштирок этди: Жамоатчилик билан алоқалар департаменти, Комплаенс хизмати, Матбуот маркази, Рақамли коммуникациялар бўлими, “Кончилар ҳаёти” газетаси таҳририяти ходимлари
(рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

“Навоий КМК” АЖда очикликни таъминлаш бўйича 2023 йилда эришилган ютуқлар ҳамда 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар ва бу борадаги фаолиятни янада кучайтириш тўғрисида

(Раупов, Бозоров, Жўраев, Норқулов, Садриддинов, ...Раупов)

Йиғилишда Жамоатчилик билан алоқалар бўйича директор Х.Раупов сўз олиб, “НКМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директор томонидан 2022 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 154-сон Фармони ижросини самарали ташкил этиш юзасидан “НКМК” АЖнинг 68 та банддан иборат чора-тадбирлар Дастури тасдиқланганлиги юзасидан ахборот бериб ўтди.

Таъкидландики, Фармонга асосан, очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “eanticor.uz” электрон платформаси ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилмоқда.

Бу борада НКМКда кейинги йилларда олиб борилган ишлар ўз натижасини бериб, амалий ишлари юқори баҳоланди. Жумладан, 2023 йил якунлари бўйича Очиқлик бўйича баҳолаш якунларига кўра, НКМК Республика бўйича 5-ўринни, АЖлар ўртасида 2-ўринни эгаллагани бунинг исботидир.

Ушбу эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, 2024 йил якунлари бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилишини таъминлаш мақсадида, бу борада барча масъуллар томонидан ишни самарали ташкил этиш талаб қилинади.

Шунга кўра, 2024 йил 9 февралда “НКМК” АЖнинг фаолиятида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик бўлган маълумотларни ахборот ресурсларига жойлаштириш ва янгилаб бориш тартибини белгилаш тўғрисида”ги 80-сонли буйруғи қабул қилинди.

Буйруққа асосан, НКМК фаолиятига оид очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг намунавий шакллари иловаларга мувофиқ тасдиқланди.

Комплаенс хизмати шуъба бошлиғи А.Бозоров сўзга чиқиб, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар талабилари асосида ишни ташкил этиш зарурлигини айтиб ўтиб, бугунги кунда НКМКнинг асосий фаолиятидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги буйруқ билан тасдиқланган намунавий шаклларга ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан куйидагиларни таклиф этди:

1. НКМКнинг 80-сонли буйруғи 9-иловасида “НКМК” АЖ тасарруфидаги хизмат автотототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш белгиланган. Белгиланган маълумотлар (*сони, русуми, давлат рақами, ишлаб чиқарилган йили, балансга олинган вақти ва қиймати, сақлаш харажатлари, ҳисобот даврида ҳаракатланган масофаси*) тўлиқ ва ўз вақтида эълон қилиб борилмоқда. Талабдан келиб чиққан ҳолда ушбу маълумотларга қўшимча равишда хизмат автомобили бириктирилган мансабдор шахс исми ва шарифини ҳамда лавозимини ҳам очиқ эълон қилишни;

2. Баҳолаш методикасининг 3-иловасида белгиланган талаблардан келиб чиқиб, НКМКнинг расмий веб-сайти “Очиқ маълумотлар” порталида “Давлат харидини режалаштириш тўғрисида”ги маълумотларни очиқ эълон қилишни;

3. НКМКнинг расмий веб-сайти “Очиқ маълумотлар” порталининг Коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини белгиловчи ҳужжатларни эълон қилиш бўлимига қўшимча равишда НКМК ҳисобот даврида коррупцияга қарши шартлар билан меҳнат шартномасида

таништирилганлигини имзоси билан танишган ходимлар рўйхати эълон қилишни;

4. НКМКнинг расмий веб-сайти “Очиқ маълумотлар” портали Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг жорий этилганлиги бўлимида қўшимча равишда “eanticor.uz” электрон платформасида жойлаштирилган маълумотларни ҳам очиқ эълон қилишни;

5. НКМКнинг расмий веб-сайти “Очиқ маълумотлар” портали Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва натижалари ҳақида ҳисобдорлик тизими йўлга қўйилганлиги бўлимида қўшимча равишда “eanticor.uz” электрон платформасида жойлаштирилган маълумотларни ҳам очиқ эълон қилишни таклиф этди.

Кун тартибидаги масала юзасидан “НКМК” АЖ Матбуот маркази бошлиғи А.Жўраев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, НКМКда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, матбуот хизмати фаолияти самардорлигини ошириш бўйича 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар ва келгуси фаолиятда амалга оширилиши лозим бўлган йўналишлар бўйича ўз таклифларни баён этди. Жумладан:

1. НКМК ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш ҳамда ушбу йўналишда ҳар ойда камида биттадан медиа тадбир (матбуот анжумани, брифинг, пресс-турлар) ўтказиш;

2. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида комбинат расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ахборот бериб бориш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва оммавий ахборот воситалари билан амалга ошириш.

3. НКМКнинг ижобий имижини шакллантириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш мақсадида ҳар чоракда камида иккитадан ижтимоий сўровлар ўтказиш;

4. Комбинат фаолиятига доир маълумотларни кенг жамоатчиликка таништириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва блоггерлар билан ҳамкорлик қилиш тизимини янада кучайтириш;

5. Мунтазам равишда ОАВларида НКМК раҳбарларининг чиқишларини ташкил этиш;

6. НКМКнинг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, таклифлар ишлаб чиқиш;

7. НКМК фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш ва сифатли ёритишни ташкил этиш, бу борада ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) тайёрлаш ва ёритиб бориш;

8. НКМК фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда расмий веб-сайтга жойлаштириш, фото-аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини доимий равишда янгилаб бориш;

9. НКМКнинг фаолиятига алоқадор барча очиқ маълумотларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда доимий янгилаб бориш.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққанлар томонидан А.Бозоров ва А.Жўраевлар томонидан билдирилган таклифларни тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб мажлис,
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича директор Х.Рауповнинг кун тартибига доир ахбороти, Комплаенс хизмати шуъба бошлиғи А.Бозоров ҳамда Матбуот маркази бошлиғи А.Жўраевларнинг очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича берган таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тегишли бўлим ва хизматлар раҳбарлари НКМКнинг 2024 йил 9 февралда 80-сонли буйруғи ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда ва муддатда сифатли маълумотларни тасдиқлаган ҳолда расмий расмий веб-сайтга жойлаштириш учун Жамоатчилик билан алоқалар департаментига тақдим этиб борсин.

3. Жамоатчилик билан алоқалар департаменти НКМКда олиб борилаётган ахборот ва очиқлик сиёсати, ички меъёрий ҳужжатлар ҳужжатларда назарда тутилган тартибда НКМК расмий веб-сайтида очиқ маълумотларни жойлаштириб бориш, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ҳақида ОАВлар ва жамоатчиликни мунтазам хабардор этиб борсин.

4. Мажлис баёни ижроси назорати Матбуот маркази бошлиғи А.Жўраев зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



А.Жўраев

